



# МАНАЛЛА

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 53-54 (185-186)

2000 йил 26 июль, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда



## ИСТИҚЛОЛ РУҲИ — ОНГИМИЗДА, ШУУРИМИЗДА

### ҲАР КУНИНГИЗ ИСТИҚЛОЛ ШУКУҲИ БИЛАН ТЎЛСИН

Абдулла ОРИПОВ

**Мамлакатимиз аҳолиси яна саноқли кунлардан кейин ўзининг энг муқаддас байрами - юрт Мустақиллигининг 9 йиллигини нишонлайди. Куйида муҳбиримизнинг Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла ОРИПОВ билан суҳбати худди шу мавзуда.**



Суҳбатдош Ч.ЛАТИПОВ.

- Ҳурматли Абдулла ака! Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов мазкур байрам тантаналари ҳусусида тўхталар эканлар, халқимиз кайфиятидаги Истиқлол руҳи, унинг ҳаётбахшлик гоёси доимий бўлиши лозимлигини алоҳида қайд этдилар...

- Агар Сиз суҳбатни шу саволдан бошламаганингизда ҳам мен ўз фикрларимни айнан шу ҳақдаги хулосаларим билан бошлаган бўлардим ва «Mahalla» муштарийлари учун бўлган ушбу суҳбат бевосита шу мавзуда давом этишини хоҳлардим. Негаки, Президентимиз бу ҳақда бежизга алоҳида тўхталганлари йўқ. Ахир инсон ўзининг энг муқаддас туйғусига ҳар доим сизиниши керак. Айтнинг-чи, ўзбек халқи учун шу халқ пайдо бўлганидан буён Мустақилликдек қимматга эга бўлган қадрият бўлганими? Аввало биз шунга қис қилишимиз лозим.

- Демак, бу туйғу аслида бизнинг хатти-ҳаракатимизда, бажараётган тадбиримизда, сўзу фикримизда, ўзаро муносабатимизда, худлас бутун борлигимизда ўта табиий равишда акс этгани лозим.

- Худди шу табиийлик сўзи ҳам бу ўринда жоиз албатта. Бир эътибор билан қисқайлик. Биз ўз ота-онамизга ҳурматимизни бақариб-чақариб издор этмаймиз. Бу ўринда амалий ҳаракат қиламиз. Уларга ўта мулоим муомилада бўламиз, истак-хоҳишларини сўрамасларидан олдин бажо қиламиз, уларнинг умри узоклигини, соғлигини Оллоҳдан илтижолар қилиб сўраймиз, моддий манфаат етказамиз ва ҳоказо. Мустақиллик ҳам худди шундай амалий эътиборга лойиқ туйғу.

Албатта, мамлакатимиз Президентини таъкидлаганларидек, бу борада турли хилдаги ҳаётини, халқимиз қабул қила оладиган тадбирлар бўлиши зарур. Шубҳасиз, шўролар даврининг буюриш, қўрқитиш, зўрлаб гоё синдириш услуби истиқлол гоёларига зид. Худди онани сенинг, деб буюриб, ёки онанинг сев деб қўрқитиб бўлмагани каби. Истиқлолга ҳам мажбурийликни синдириб бўлмайди. Ҳар бир саволини инсон учун Президентимизнинг бу борадаги белгилаб берган 6 та тамойили аслида ҳаёт талаби - Истиқлолга эришган халқ ҳаёти талабидир.

- Маълумки, бутун Ўзбекистон келажакни маҳалла истиқболисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Истиқлол берган неъматларнинг энг ҳаётлиларидан бири ҳам шу тузилманинг қайта тикланиши ва ривожланиши бўлмоқда. Бунда маҳалланинг ўрнини қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

- Маҳаллага ҳукумат томонидан берилаётган ваколатларнинг ўзи бу тузилманинг фаолияти нақадар ҳаётлилигини кўрсатади. Шуниси характерлики, Мустақиллик туфайли юзага келган ёки қайта тикланган қадриятларимиз орасида маҳалла ўта ҳаётлилиги билан Истиқлол туйғусини мустаҳкамламоқда. Энди маҳалла, унинг мутасаддилари ҳам бунга муносиб иш қўришлари керак бўлади. Агарки, ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти маҳалла билан боғлиқ бўраётган экан,

унинг туйғулари ҳам ундан йироқда бўлмайди. Бугун Истиқлол гоёларини тўғри англамай, турли оқимлар соясида юриб, ўз халқига, Ватанига, ота-онасига қарши иш қилиб, жазага тортилётган баъзи ёшларимиз фожесини ҳам маҳалла тарбияси нуқтаназаридан баҳоладикми, демак, унинг давосини ҳам маҳалладан излайлик. Унинг бирдан бир давоси маҳалланинг Истиқлол туйғусини англаштидаги ўрни беқисслигига бориб тақалади. Бугун тўғриси айтиш керак, маҳаллада кутубхона фаолияти йўқ даражада, чойхоналарнинг ҳақиқий чойхона эканлигига ҳам ишонч йўқ. Яқинда сурхондарёлик бир тадбиркор ўз ҳисобидан кутубхона қурибди. Мана шунга айтса бўлади - Истиқлол туйғуси ғамхўри, деб.

Мен бу ўринда мамлакатимиз спортини айнан мустақиллик туфайли ҳамма соҳадан кўра ўзиб кетганини эътироф этишни хоҳлардим. Бугунги спортчиларимиз гўёки Мустақилликнинг ҳосилига ўхшайди. Аслида ҳам шундай. Мустақилликсиз уларни бу чўққилларда кўриш мумкин эмас эди. Лекин бу ўринда масаланинг бошқа муҳим томони бор. Улар галабага интилар эканлар, бўлажақ олтин, кумуш бронза медалларни эмас, Ўзбекистон байроғини боши узра кўтаришни, дунёга Ўзбекистонни танитишни қалбига жойлардилар. Бу уларнинг сўзлари ва қўзларидан маълум.

Бугунги кунда Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республикамиз болаларини йиғиб футбол мусобақаси ташкил қилар экан ва бу муваффақиятли давом этаётган экан истиқлол туйғусига салдоқатни кўраман бу тадбирда.

Бобокалонларимиз бежизга ҳар кунингиз Наврўз ўلسун, демаганлар. Мен аминманки, қайси давр кишиси бўлшидан қатъий назар агар бугунгидек Истиқлолга эришиш бахтига муассас бўлса, шубҳасиз ҳар кунингиз Истиқлол байрами кунини каби бўлишини Оллоҳдан сўраган бўларди.

#### АРАФАДА

### ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Хабарингиз борки, газетамизнинг аввалги сонидан Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги олдида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви «Ибратли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Маҳалла жонкуяри»

кўкрак нишонларини ҳамда пул мукофотларини таъсис этгани ҳақида хабар қилган эдик. Ушбу тақдирлашлар ҳар йили мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида ўз эгаларига насиб этади.

Шу муносабат билан вилоятлар миқёсида ўтказилган мазкур йўналишдаги кўрик-танловлар голиби ҳақидаги маълумотлар республика миқёсидаги кўрик-танловга қатнашиш учун шу йил 15 августгача Республика Оқсоқоллар Кенгашига тақдим этилиши сўралади.



### МАҲАЛЛА МАЙДОНИДАН РЕПОРТАЖ

**Миржалол Қосимов!** Мана шу биргина номни тилга олишингиз билан ўзбек футболнинг бугунги кунини кўз олдингизда намойиш бўла бошлайди. Бир ўйлаб кўринг, сиз Миржалолни неча йилдан бери танийсиз? Гўёки кўлаб ўн йиллар ўтгандек туюлади, шундай эмасми?

Дарҳақиқат, шундай. Чунки Миржалол Успиринингидак чарм тўп муҳлисларига танилиб улгурган, Ўзбекистон майдонидан галабали кунлар келишига умид боғланганлар учун ўзига хос тимсол каби ёрқин юлдуз бўлиб порлай бошлаган эди. Тенгдошлари ўртасида жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган

солиқ иттифоқ термаси сардори мана шу Миржалол экани ёдингиздами? Унинг футбол қироли, афсонавий Пеле билан бирга тушган фол-тосураги ўша йиллари Миржалолнинг тенгдошларидан ундан кейинги авлод болалари учун ўзига хос йўлчи юлдуз бўлгани ҳақиқат.

Мен сўнгги йиллардаги энг маш-

хўр, энг иқтидорли, Ватанини жону дилдан севадиган футболчимизни тилга олдим. Аммо Миржалолнинг футболга қизиқиши шаклланишида отаси Қўшоқбой ақанинг «Пахтакор»га меҳриво ўз навбатида 60-70-йиллар «Пахтакор» сафларидан номи қалбларини титратишга қодир кўлаб истеъодлар ҳиссаси борлигини ким инкор этади?

Биродар Абдураимов иттифоқ чемпионати тўпураги унвонини қўлга киритган кезлари маҳаллаларда ҳаммамиз унга ўхшашта интиланганимиз бор гап. Бир неча йил ў-

#### МАҲАЛЛА — 2000

**Мирзахақим Тўхтамирзаев,** футбол шарҳловчиси

гач, Владимир Фёдоров, Михаил Ан, Олим Ашуров, Василий Хадзипанатис каби турли миллат фарзандлари ўзбек футболининг тарихига янги, ёрқин саҳифаларини битишга муваффақ бўлишди. Дарҳол ҳар бир маҳаллада ўзининг «Ан»и, ўзининг «Фёдоров»и пайдо бўлди.

Ҳаттоки бир-биримиз билан сезимли футболчининг рақамини футболкамизга ёзиш учун баҳслашганимиз эсдан чиқарилди? Уша ўзимиз ёқтирган футболчиларга тақдир қилиб, уларга ўхшашта интиланганимиз. (Давоми 2-бетда.)

#### Қабрларни зиёрат қилинган, зеро у сизларга охирагини эслатади

### ЗИЁРАТ БЕЗИЁН БЎЛСА...

«Mahalla» газетасининг 2000 йил 4 июл сонидан Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов томонидан эълон қилинган «Қабрларни зиёрат қилиш одоби ҳақида Фатво»ни ўқиб унинг ўз вақтида эълон қилинганлиги учун хурсанд бўлдим.

Меини ҳам анчадан бери шу мавзу ўйлатиб келаётган эди. Фатвони ўқиган мусулмонлар «бундай Фатво олдидан борку, нимага уни қайтадан беришди» деган савол ва мулоҳазалар билан масжид ва мадрасаларда баҳслашиб қолдилар.

Маълумки, Қизил империя Ўзбекистонини босиб олгандан кейин Ислам динида бўлган мусулмонларнинг эътиқодига, диний урф-одатларига қаттиқ қаршилик қилдилар, йўқ қилишга уриндилар. Қуръон, Ҳадис ва бошқа диний китобларни ўқиган ва уйда сақлаган кўп уламоларни ўлдириб юбордилар. Ҳатто марҳумларга жаноза ўқиб, қабрларни зиёрат қилиш каби муқаддас одатларимизга қарши чиқдилар. Натигада истиқбол йиллари дунёга келган ёшларимиз таърибиясида, кўпгина урф-одатларимизда баъзи ўзгаришлар юз берди. Ана шуларни эътиборга олиб Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси ушбу Фатвони газета орқали эълон қилди.

Президентимиз «Нуронийларимиз ҳақида» сўзлаган нутқларида шундай деган эдилар:

«Ўзбеклар қадимдан кексаларимизни, марҳум устозларимизни ҳурмат қилиб, эъзозлаб келганлар, шу одатни бундан сўнг ҳам давом эттирайлик. Шунинг учун қабрларни зиёрат қилишга борганда ёнингизда фарзандларингиз ва набираларингизни ҳам олиб бориш, уларга ҳам зиёрат қилиш тартибини ўргатиш зарур бўлади».

Бу тартибни барча мусулмонлар авлодларига ўргатиб бориши зарур албатта. Бу халқимизнинг муқаддас урф-одатларини бундан сўнг рўбга чиқариш учун албатта ёш авлодларимизни ўргатишга ҳаракат қиламиз. Чунки бу билан ёшларимизда қарияларга нисбатан ҳурмат ва эътиқод кучайиб боради.

**Ҳамидулла Йўлдошев,** факхрий педагог, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.



Келажакка одимлар

Кўча-кўйни ахлат билан тўлдирётганлар, ёки бурқситиб уни ёқабганлар шундай деб ўйлашса керак-да?!

### «ҲОВЛИМИЗ ТОЗА, КЎЧА БИЗНИКИ ЭМАС»

КИНОЯ

Янги аср бўсағасида одамларимизнинг тозаланиш саъласи борасидаги маланияти ниҳоятга тараққий этиб кетди. Яқин-яқингача ҳовлида яшайдиган одамлар маншай чўққилларни ҳовлисининг бир чеккасида ёқиб юбориб, кўйини ерта қўмадилар. Пучок ва бошқа яроқсиз мена-чевани кўйинининг молга чиқаришарди. Ҳозирги онг тараққийти инсоннинг маншай чўққилларига нисбатан бўлган бундай муносабатини ўзгартириб юборди.

Чўққилларни ташлаш учун ҳозирги кунда жойларда жуда кўп контейнер ва бошқа мосламалар қўйилганлиги рост. Лекин биргина чекка, кўйинг-чи, ичига керасиз матоҳлар билан тўлдирилган идишнинг энди икки-уч чаккири жойга олиб бориш шартинки? Ахир, ёнингизда мак-

таб-боғча, тунги гузар ёки кўйининг буталар билан ўралган томорқаси турсаю, қайси эринманган «Контейнер қайласан?» деб юради. Ахир юзурки замонада яшайётган бўлсак, деб ўйлашмоқда баъзи бир ҳам-шакарларимиз.

Чилонзор тумани ҳокимиятининг санитар-тозалаш бўйича ягона буюртмачи дирекциясининг маълумотларига қарасангиз, бу киноянинг маълумоти тўлиқсанга, Дўб-Робод маҳалласи Гаҳар кўчасидан бўлган Г.Азимовга қурилиш чўққилларини белгиланмаган жойларга тўкишга одатланган. Шу маҳалладик Э.Низомжоев эса ахлатни айнан Гаҳар кўчасига келтириб тўкишни афзал билади. Бошқа маҳалладошлардан Р.Ҳолиқова, А.Абдуфурқовлар маншай чўққилларининг жойи деб маҳалла масжидининг майдонини биладилар.

1-Чарх камолон маҳалласи, 4-Хива кў-

часи, 19-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Георгий Кудиков эса ҳовлидан чиққан чўққиллар учун энг муносиб жой деб «Тошкент-сув» ҳиссадорлик жамиятининг девори тагини билади. Бу ер Г.Кудиков хонадонидан анча узоқ ва беҳавотирроқ бўлса керак-да.

Юқоридаги фуқаролар ўзларининг «маланий-оқирту» фаолиятлари жараёнда санитар-тозаланиш томонидан ушланиб, тушунтириш ишлари олиб борилишига эришилди. Туман ҳокимиятининг тозалаш бўйича ягона буюртмачи дирекцияси ходимлари атроф-муҳит тозаланиш саъласи, одамлар орасида профилактика ишларини ташкил этишга қаттиқ бел боғладилар. Энг эътиборли жиҳати, белгиланмаган жойларга ахлат ташувчиларнинг барчаси жарима тўлади.

Н.АЛИМОВ.

#### МАНАЛЛА

Ўзбекистон "МАНАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр кўрсаткичи: 148  
Хомий: «Матбуот тарқатуви» ҳиссадорлик жамияти  
Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдилар.  
E-mail: mahalla@gazeta.silk.org





• ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

# 22. ТАҚДИР ТАЛАШМАНГ

Бу ҳам ширкка киради. Саҳобалар, олимлар, уламолар шундай китобларни ёзиб, ундан ҳужжат, бундан ҳужжат, ҳаммасини кўрсатиб қўйсаларда, болангиз илм олманг, ҳарф танманг, ҳали араб тилида «Мен бозордан келдим», деган гапни гапириб беролмасанг? Сизнинг фатвоингиз билан бола илмсиз бўлиб қолаётган. Араб тилида бир гапни таржима қилиб тушутириб беролмасанг-да, ман-ман деган уламоларнинг, буваси тенги одамларнинг устидан ҳукм қилиб «адашганлар» деб, уларнинг «хато»ларини топиб юрса. Қуръони Каримдаги саккизта сураи ёл ололмаган одам, 30 пара Қуръонни ёд билмаган одамни «Сен ундайсан, сен бундайсан, сен бундай қилдинг» деб таҳқирлаб турса. Намозда нечта суннат бор, нечта фарз бор, билмасдан туриб, домлар билан талашса. Инсоф қилинг, уларнинг ҳаммаси қаердан келиб чиқаяпти? Динсизликдан, илмингиз бўлмади туриб, илми одам билан айтишманг. Биз «Расулиллоҳга эргашамиз, Имоми Аъзамга эргашамиз» дейишсиз. Имоми Аъзам кимга эргашган, сизнинг устозингиз кимга эргашган? Имоми Аъзам Расулиллоҳга эргашиб, иелом илми ривожига ҳисса қўшганлар. У кишига ҳам кейинги замон мусулмонлари эргашганлар. Эй, биродарлар, ахир дундан ўтиб кетганларга тош отишни қаердан ўргандингиз? Қачон буни тўхтатимиз? 70 та сўқ олим устозлик қилган, «Муштаҳид» деган номни олган одамга тош отиб, бундай улуг одамни

**Жоҳиллик, илмсизлик бизларни кўп нарсада гангитиб қўяпти. «Болангни ўқитма, иймонингдан ажраб ширк бўлиб қолсан, йиғиштир мана бу «Ё Оллоҳ» деган лавҳаларни», деманг. Шунинг ўзи ширкка киради, деманг. Илминг йўлини тўсайсиз. Хукам чиқарманг.**

пайгамбаримизга қарши қилиб кўрсатиб қўймангиз. Оллоҳдан кўрқинг. У киши ҳам ҳаммасини Қуръони Карим оятларидан, Ҳадисларидан четга чиқмаган ҳолда таълим берганлар. Шу масалада тушунмасдан туриб, бир гапни ушлаб олиб, ўтиб кетган олим уламоларга тош отманг, намоз ўқиб қабулини уйлангу қалбингизни тозаланг.

Абу Хурайра шундай ривоят қиладилар (бу Ҳадиси мубораққад): «Биз саҳобалар билан талашса. Инсоф қилинг, уларнинг ҳаммаси қаердан келиб чиқаяпти? Динсизликдан, илмингиз бўлмади туриб, илми одам билан айтишманг. Биз «Расулиллоҳга эргашамиз, Имоми Аъзамга эргашамиз» дейишсиз. Имоми Аъзам кимга эргашган, сизнинг устозингиз кимга эргашган? Имоми Аъзам Расулиллоҳга эргашиб, иелом илми ривожига ҳисса қўшганлар. У кишига ҳам кейинги замон мусулмонлари эргашганлар. Эй, биродарлар, ахир дундан ўтиб кетганларга тош отишни қаердан ўргандингиз? Қачон буни тўхтатимиз? 70 та сўқ олим устозлик қилган, «Муштаҳид» деган номни олган одамга тош отиб, бундай улуг одамни

но бўлганингизда ҳам тақдирга фатво берманг, фол очманг, ўйлаб таваккал қилинг. Баъзилар айтди, «Э, аҳли дундан бўлиб қолган бўлсан, ибодат қилганингизнинг ҳам фойдаси йўқ экан-да?». Йўқ, сиз тоат-ибодат қилверинг, у ёғи Яратганга аён. Буни дилига озор бериб, буни ишига ранж қўшиб, аралашиб, уни бундоғ, деб, бунисини ундоғ деб юрасиз. Уйламангиз, гапириверасиз, фатво бериб юбориверасиз, кейин ҳужжат чиқиб қолгандан кейин ёлғончи, мунофиққа айланиб қоласиз. Ҳадисларимизнинг, улуг аллома қиромларимизнинг камлигидан, йўқлигидан фойдаланиб, ҳозирги кунда бизни тафриқага олиб келиб қўймоқдалар. Пайгамбаримиздан ибрат олайлик. Сарвари Оламдек буюк зот масала талашиб турган саҳобаларнинг олдига келиб, «Талашманг» дейдилар. Унисини ё бунисини ҳимоя қилиб, бир томонга фикр билдиришлари мумкинмасми? Кераксиз нарсалар билан вақтни, ганимат дамларни беқор ўтказмасликка буюрадилар. Сабаби, «Мухаммад Расулиллоҳ умматлариман» деса, талашмасин, у кишининг энг

зўр суннатларига амал қилган бўлади. Кимки, пайгамбаримизни ота-онасидан ортиқ, жонидан ортқ яхши кўрса, масала талашмасин. Талашув, фитна қилариш, тафриқага сабаб бўлишлик ширкдан иккинчи ўринда туради. Эсингизга олинг, мушриклар масжидга келиб бовул қилганида, ҳам қизариб, жаҳллари чиқмаган эди, тишларини уриб синдирилганларида жаҳллари чиқмаган зот Тоифта тошбўрон қилишганда, жонлари ачиб, ўзларидан кетганларида ҳам жаҳллари чиқмасдан, «Мен Оллоҳнинг йўлида чидайман», деган зот, намоз ўқиб турганларида янги туғилган туя боласидан йўлдошини елкаларига ташлаб қўйганларида жоҳиллар, кофирлар жаҳллари чиқмаган зот масала талашаётган саҳобаларини кўрганларида қизариб, газабга келдилар. Чунки, тортишув душманликка олиб келади. Жанжалга олиб келади. Кимга керак бўлди, иймону эътиқодга даъват қилиб турган бир домлани «Чўпчакбоз» дейиш? «Афсоначи» дейиш? Даъват йўлида оят-и Ҳадислардан чиқиб кетмайдиган ҳолда, ҳикоят, ривоят, ҳаётини воқеалар, ибратлардан фойдаланса, «Чўпчакчи» бўлади? Қаранг-да биродарлар, биров Қуръон оятларига тушунмади, Ҳадисини сингдира олмади, чунки ҳали у худосизлар таълимотидан қутула олмади-да. Шунда бир ривоят тасвир қилар, бориб, ривоятни ҳам тушунмади, унда битта ҳаётини мисол билан тушуниб, қалбига шифо топиб, қуффи дили очилиб кетди, Алҳамдулиллоҳ.

Абдулқодир ХАЙИТМЕТОВ

**Мен Навоийнинг ҳар бир шеърини алоҳида қизиқиш билан ўқийман. Улар орасида мен 10-15, 20-30 йилдан буён мутулаа қилиб келатган, мутулаам эса ҳали охирига етмаган шеърлар ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаби кўпроқ матн муаммолари билан боғлиқ. Мен бу ўринда шундай шеърлардан бирига тўхталиб ўтмоқчиман.**

# НАВОЙНИНГ БИР РУБОЙИСИ ҲАҚИДА

Улуг шоирнинг бир рубойиси қўлэмаларда гоҳ «Ҳар сори» деб, гоҳ «Бир сори» деб бошланади. Бу ўринда шеър мавҳум тарзда «Ҳар сори» деб бошланганидан аниқроқ «Бир сори» деб бошлангани менга маъқул кўринади.

Қўлэмаларда бундан кейинги сўз бирникмаси базан «сариг пўла» шаклида, базан «сариг пўло», базан эса «сариг пўлод» ҳолида келади. «Пўла» форсий лугатларда «бузилган», «шикастланган», «пўтури кетган» деган маъноларда изоҳланган. Бу шеърни Навоий девонларини нашрга тайёрлаган мутахассислар турлича берганлар. Ҳатто шоирнинг 20 жиллик «Мухаммад асарлар тўламини» ҳам нашрда шундай ҳар хиллик кўзга ташланади.

Бу рубойида шоирнинг эркесварлик

гоялари, ўз тенгдошларига нисбатан еамимий дўстлик туйғулари, табиатга чексиз шайдолик гоғт гузал ифодаланган. Мазкур шеърлардан бунга тўла ва чуқур ҳис этиши учун унинг матни мукаммал бўлмағи мақсадга мувофиқдир. Шу маънода мен ушбу рубойини қўйидагича ўқийшни маъқул кўраман:

**Бир сори Соригпўлоду мен турсоғ йўд;  
Не тоғу не тўз десак, не ободу не чўл.  
Йиртуқ қалапақдин чиқориб ёланг қўл,  
Ул қўсаю мен қўсаю мен қўсаю ул...**

Чунки шоир ўз ҳаётида аниқ юз бериши мумкин бўлган ва юз берган воқеа ва ҳодисаларни, бунда ўзи билан бирга бўлиши кўнгилли бўлган дўстини эсламоқда. Дўстининг исми эса Соригпўлод бўлиб, бу хил исмлар бизда ҳозир Тожикора, Тешасариг каби ша-

қларда талаффуз этилади. Шу йўл билан биз Навоийнинг яқин дўстларидан бирининг исмини тиклаган ҳам бўламиз.

Бу рубойига қизиқишимнинг яна бир сабаби бор. Мазкур рубойини Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам жуда яхши кўрар экан. Ундан рўхланиб, у ўзининг қўйидаги рубойисини яратгани гоғт диққатга сазовордир:

**Бир гўшан боғ ўсаю сен бўлсангу мен;  
Май қўсоқ иккимиз қандач ичра бир хун.  
Андин сўнгра аёқ идикка олибон,  
Сен тутсангу мен ичсаму мен тутсаму сен.**

Ушбу ижодкорларнинг бири эркесварлик ва дўстлик наъшасини табиат қўйнидан қилдирган бўлса, иккинчиси уни ҳам табиат, ҳам дўстлар даврасидан излаган.

• ОДАМЛАРИМИЗ

# КУЙЛА ДИЛКАШ... ДИЛИМ

Қарши шаҳридаги Хўжахиёл маҳалласида Иноят ота Қодировлар хонадони бор. 73 ёши қоралаган отанининг гайратини, ҳаётга бўлган муҳаббатини кўриб завқланасиз. Санъат унинг жони дили. У ясаган турли-туман чолгу асбобларининг янграқ овозини нафақат Қашқадарёда, бутун Ўзбекистонда, ҳатто қўшни республикаларда ҳам эшитасиз.

Иноят ота шоирликка даъвогар эмас. Аммо базан-базан бўлса ҳам юрагига кулоқ солиб шеърлар, қўшиқлар, термалар, интермедиялар битатади. Унинг «Нозиргулим» номли тўламини ана шу илҳом маҳсулидир.

Куйида у ҳақидаги айрим лавҳалар билан танишамиз.

Иноят ота моҳир уста, кўли гул хунарман. Унинг машаққат ила қилган меҳнати эвазига оддий тут, ёнғоқ, ўрик дарахтларининг бўлақлари тилга киради, инсонга завқ берувчи, қалбларни тўлқинлан-тирувчи рубоб, тор, турк сози, доира сингари чолгу асбобларига айланади.

- Бу менга ота касб, - дейди Иноят ота Фаҳр билан. - Отам Абдулла Қодиров ниҳоятда ўткир дилли уста бўлганлар.

Иноят ота касби сирларини ўғил-қизларига, ёшларга синиклаб ўргатади, бунинг инсонийлик бурчи деб ҳисоблайди. Унинг Абдул Раҳим, Мустафо Жабборов, Эгам Ботировлардек ўнлаб шоғирдлари эндиликда турли чолгу асбоблар ясайдиган дўрустгина хунарман, қатор ёшларга устоз.

Қўйиб қасбининг ўзинга хос инжиқликларни, қийинчиликларни, муаммоларни бор, - дейди уста. - Масалан, гижжақ, рубобга Бук ёғочи, лаққа балиқ териси, асбобларни безаш учун эса салаф, эббонит, молларнинг турли-туман ноёб суякларини, шоҳлари лозим бўлади. Буларнинг қўлчилигини хоржий мамлакатлардан олиб келишга мажбур бўламиз.



Суратда: Иноят ота Қодиров ўзи ясаган уд асбоби сирларини болалар билан ўртоқлашмоқда

ўз юртига тақлиф этдилар.

Ўзбек санъатини тўла намойен этмоқ учун Китооб тумани мақомчилари, Қарши туманидаги «Момогул» фольклор этнографик ансамбли ҳам мулоқотчилар билан бирга Германияга йўл олади. Улар сафида уста Иноят ҳам бор эди.

Менинг зиммамта «Келин уйи» ҳамда «Ўзбек бозорини» намойиш этиш вазифаси юкланган эди. Қадимий «Келин уйи»нинг ғилам, шол, турли жойнамоз, қуроқ кўрпачалар, дастурхонлар билан чунонам безадикки, чет элликлар қадимий урф-одатларимизга лол қолиши, уйдаги чарх, ўғирча, хурма, ойна халта, урчуқ каби рўзгор буюмларининг ҳеч бири уларнинг эътиборидан четда қолмади.

«Бешик тўйи»ни намойиш этдик. Чақалоқнинг қулонига азон айтиш, исм қўйиш сингари одатларимиз уларда айниқса зўр қизиқиш уйғотди. Ўзбек аёлининг бешик олдига алдаси германиялик аёлларни мафтун этди.

- Ўзбек уйини кўрсатганда бир бурчакни тор, дутор, танбур, гижжақ, чилдирма, чанг, най... худлас ўзим яса-

ган чолгу асбоблари билан бе-ошиб кетди. Ансамблга «Насаф» деб ном берилди. Маҳалладаги ҳар бир таабир, тўю-тантана ва турмухсиз ўтмайидиган бўлиди.

Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларида бўлган кўрик-танловлар ҳам «Насаф»сиз ўтмади. У ерларда ўтказилган фестивалларда ҳам ансамбл лауреатлик нишонини ҳамда диплом билан қайтди.

Афсуски, ҳозир маҳаллада ансамблга бўлган муносабат анча сувайди. Қатнашчилардан айримларининг ёшлари ўтиб қолди, баъзилари оламдан ўттишти, уларнинг ўрнини тўлдириб эса ҳеч кимнинг ҳаётига келмади. Ана шунга Иноят ота жуда афсусланади. Қўли қисқалик, ўзи яққалик қилади. Қорнига эмас, қадрига, меҳнатига ачинади.

Иноят ота ўзининг бир тўрттагида дейди:

**Дилим, тенги орзу истак-ла,  
Ҳаёт меҳри билан ёнайин.  
Эзгуликка доим етакла,  
Хизматингда мангу қолайини.**

Бундан 13 йил илгари **Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**

# НЕМИС ХОНАДОНИДА ЎЗБЕК РУБОБИ

Германиянинг Мудхайм шаҳридаги Андер рур театри билан Қаршидаги «Мулоқот» театр-студияси ўртасида дўстона муносабат ўрнатилган. Немис санъаткорлари Қарши шаҳрида бўлганларида «Мулоқот»нинг қатор саҳна асарларини кўриб, касбдошларини

# ОТАХОН НЕГА АФСУС ЧЕКАДИ?

Бундан 13 йил илгари

# ҲАЛОЛЛИК

**Ўтмишда касб-хунар усталари ўзлари-ча шогирд танлашда ниҳоятда талабчанлик билан ёндощар эканлар. Бунда, албатта бўлажок шогирдининг насл-насаби, саломатлиги, ақлу заковати, сабру чидами, одоб-ахлоқи, қўйингки, ҳамма-ҳамма томонлари иноватга олинаркан.**

Айниқса, шогирдининг нечоғлик ҳалоллиги ҳар хил йўллар билан синаб кўрилар экан. Масалан, сезимрай йўлга пул ташлаб қўйилар, савдо тушумига ортиқча сўм қўшиб, шогирдага санаб берилиши сўралар ёхуд алалидан ортиқча мол берилиб, натижаси кузатилар экан. Афсуски, ҳамма шогирдлар ҳам бундай турдаги синовлардан ўта олмас эканлар.

... Қўшнимиз Акбар ака ўз бошидан ўтган куйидаги воқеани айтиб берган эди.

Умирлигимда Чорсу бозоридан машҳур Соғат қасбига шогирд тушган эдим. Мени дўконга етаклаб борган отам раҳматли устозга топширар эканлар:

«Мана энди, Акбаржон сизнинг ўғлингиз бўлди, сўғи ҳам гўшти ҳам сизники, оталик қиласиз», - дедилар.

Жуссадор, серсавлат устоз очик юз билан қарши олиб: «Боланг ўзингга буюрсин, майли шогирд қилиб оламан, энди у ёғи ўзинга боғлиқ бўлади», - дедилар мени зимдан кузатиб.

Оғайним Зоҳиддин йўлнинг у четигади Икром қасбига шогирд тушган эди. Бўш вақтларда бир-биримизни йўқлаб қатнаб турардик. Бирда куннинг иккинчи ярмида оғайнимни йўқлаб борсам, дўкон орқасидаги хона ўртасидаги курсига савдо пули уйилди ташланган, оғайним боши эгилганча тик турар эди. Кўрпачада чордана кўриб ўтирган устоз: «Уч сўм пул етмапти, қани у?», - деб сўроққа тутар эди.

Зоҳиддин билмайман, деб бош чайқарди.

- Нега билмайсан. Дўконга иккаламиздан бошқа ҳеч ким қирмади. Мен олманган бўлсам, сен билмасанг, ким билди?

- Билмайман.

- Билмайсанми, майли қани бориб отангни айтиб келчи.

Зоҳиддин ғириллаганча Чорсудан Бешёғочга қараб кетди. У етиб борганида, истироҳат боғида чойхоначи бўлиб ишлайдиган отаси Олим амаки ўчоқ бошида қосов билан

# ПОЛВОНЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

**Россиянинг Красноярск шаҳрида машҳур атлетикачи Иван Ярыгин соврини учун эркин кураш бўйича нуфузли халқаро турнирлардан бири ўз ниҳоясига етди.**

Амаки юмушининг давом эттира туриб: «У, ярамас, сен мени ўғлим бўлсанг, наҳотки сендан кўрди, ҳозир борай онасини кўрсатиб қўяман, қани мана бу ўғини олиб бери», - деб ўғли энгашганда калпир билан бошига туширибди. Яраланган ўғил кўчага қочиб чиқибди. Орқасидан югуриб чиққан ота: «Ҳозир дўконга етиб боргин ярамас, орқангдан етиб бораман», - деб қичқириб қолибди.

Олим амаки етиб келганда устоз асабийлашганча ўтирар, Зоҳиддин унинг тепасида боши эгик турарди. Ўғлини кўли билан ниқтаб: «Бу муттаҳамнинг нега бошлаб адабини бермай, менинг олдimgа жунатдинг, келишувга биноан уни сенга бутунлай берган эдим-ку», - деди.

Қараб турибман-ку, оғайнимга раҳим келди. Аф-башараси қип-қизил қон. На отаси, на устози унга раҳм қилишмаяпти...

Иккита қўлни кўрган кишиларнинг олиб борган сиёсатларидан сўнг оғайним шимининг ўри чўнтагидан буклаб солинган уч сўмлик пулни олиб берди.

...Кейинчалик оғайним шаҳардаги энг машҳур ҳалол савдо ҳодимларидан бири бўлиб элга танилди. У ўла улғунча устозга иззат-ҳурмат кўрсатиб ўтди.

# ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК

**«МОҲИЯТ» ЮЗ КЎРСАТДИ**

Республикаимизда яна бир янги нашр «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигининг «Моҳият» газетасининг илк сони босмадан чиқди.

«Моҳият», - дейди унинг муассиси «Туркистон-пресс» агентлиги бош директори Зафар Розиев, - ... муштарийларга ён-атрофимиздаги рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг, ўзгариш ва янгиланишларнинг моҳиятига чуқурроқ назар ташлашга, таҳлил қўригидан ўтказиш ва муайян муносабатни шакллантиришга ёрдам беради.

Шунингдек, «Моҳият»нинг «Ҳордиқ» деган илова чиқариш ваъдаси ҳам бор.

# ОМУНУЛЛОҲ МУТАЛОВ.



— Қўлбола тароз-тошимизга ўзимиз кафил-да...

# ЖАНЖАЛКАШ ХҲРОЗЛАР



Жанжалкаш хўрозлар

**МАНАЛЛА** га  
Узбекистон «МАНАЛЛА» хайри жағмараматининг нашри

**обуна бўлиш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди.**

**МАНАЛЛА**  
Узбекистон «МАНАЛЛА» хайри жағмараматининг нашри

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир хайъати:  
Шухрат ЖАЛИЛОВ  
Иброҳим РАҲИМ  
Расул РАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул қотиб:  
Аслиддин БУРИЕВ

Навбатчи:  
Музаффар НОРМАТОВ

Саҳифалончи:  
А. ЮЛДАШЕВ

IBM компютерига терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.  
А-2, 2 босма тобоқ.

Бўрифта Г-640

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Топширилди—20.30